

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Абу Райхон Беруний номи Тошкент Давлат Техника Университети

«Электротехниканинг назарий асослари» кафедраси

Олий таълимнинг В522500- " Радиотехника" бакалавр йўналиши устун
"Электродинамика ва радиотўлқинлар тарқалиши" фанидан
МАЪРУЗАЛАР тўплами

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Абу Райхон Беруний номи Тошкент Давлат Техника Университети

«Электротехниканинг назарий асослари» кафедраси

Олий таълимнинг В522500- " Радиотехника" бакалавр йўналиши учун
"Электродинамика ва радиотўлқинлар тарқалиши" фанидан
МАЪРУЗАЛАР тўплами

Тошкент - 1999 й.

Тузувчилар:

1. Рашидов Й.Р. т.ф.д., профессор.
2. Абидов Қ.Ғ. т.ф.н., доцент.
3. Колесников И.К. т.ф.н., доцент.

Такризчи:

Назаров А.М. т.ф.н., доцент.

СЎЗ БОШИ

Олий таълимнинг поғонали системасига ўтишда (бакалавр-инженер-магистр) "Электродинамика ва радиотўлкинлар таркалиши" курсининг роли янада ошади, чунки бакалаврлар биринчи навбатда фундаментал фанларни чуқур эгаллашлиги керак.

"Электродинамика ва радиотўлкинлар таркалиши" фани "Антенна" ва ўта юкори частота қурилмалари фанини урганишда асосий ўринни эгаллайди. Бу фанни муваффақиятли ўзлаштирганлар келажакда етук радиоинженер касбини эгаллашга замин тайёрлаган бўладилар.

Электр энергияси ҳозирги замон энергетикасининг ва электроника-синин асосини ташкил этиб, усиз халқ ҳўжалигининг барча соҳаларини тасаввур эти бўлмайди. "Электродинамика ва радиотўлкинлар таркалиши" ҳам умумтехник фанлари ичида электрэнергетика, электротехника, электромеханика, автоматика телемеханика, информацион ўлчаш ва ҳисоблаш техникаси мутахассисликларига кадрларни тайёрлашда асосий ўринни эгалайди.

"Электродинамика ва радиотўлкинлар таркалиши" базавий курс сифатида қаралиб, у келажакда мутахассис тайёрлашда ва уларни илмий мамоларни мустақил ечишда ҳамда малакасини оширишда муҳим роль ўйнайди.

"Электродинамика ва радиотўлкинлар таркалиши" фани талабаларга имко борича электромагнит ҳодисаларнинг сифат ва миқдор жиҳатлари ҳақид тушунча бериб, электротехник махсус фанлар қўйган масалаларни ечишнинг асосий йўналишини қўрсатиб беради.

Курсни ўрганишнинг асосий вазифалари, материянинг бир қўриниш бўлган электромагнит майдон ва унинг ҳар хил қурилмаларда қўй берадиган жараёнлари, таҳлил усуллари, синтез ҳамда электро ва магнит майдонларин ҳисоблаш билан бирга келажак мутахассис тайёрлаш муаммосини ечишдиган Максвелл тенгламалари асосида электромагнетизм ҳамда электромагнит майдонларни ҳисоблашни ва ҳар хил электродинамик структураларини тўлкинларни ўрганишдир.

"Электродинамика ва радиотўлкинлар таркалиши" фанини ўрганиш махсус фанларни ўзлаштиришга электромагнит ҳодисаларни қўллаб уларни ривожлантиришга қўмак бериши лозим.

Маърузалар тўплами кафедра мажлисида қуриб чиқилган ва муҳокама қилинган. Тўплам фан дастурига мос ҳолда ёзилган.

"Электродинамика ва радиотўлкинлар таркалиши" фани 38 маъруза соатини ташкил этиб 19 та маърузани ўз ичига оладит ва 38 соат лаборатория дарсларини ташкил этади.

Режа, адабиётлар, таянч иборалар, синов саволлари алоҳида илова сиватида тўплам охирида келтирилган.

Фаннинг роли ва аҳамияти асосий вазифаси.

Хар қандай электротехник қурилмаларда электромагнит майдон энергиясининг ўзгариши ва тақсимланиши содир бўлади, шунинг учун электромагнит майдонни ҳисоблаш усуллари ва ўрганиш назарияси катта амалий аҳамиятга эга.

Электротехник заңжирлар назариясида заңжир параметрлари индукциянинг олдиндан маълум ҳисобланади. Лекин бу ҳар бир аниқлаш учун электр ва магнит майдонни ҳисоблашни билгани зарур. Электромагнит тўқунлар тақсимланишини тадқиқ этиш, юза эффекти, экраниланиш каби ҳодисалар электромагнит майдон назарияси асосида тадқиқ этилиши мумкин. Ўзгармас ва ўзгарувчан электромагнит майдонларда содир бўлувчи мураккаб жараёнларни ўрганиш учун электр ва магнит дифференциал тенгламаларни тузиш даркор ва бунинг учун мураккаб математик аппаратлардан фойдаланиш зарур бўлади. Шунинг учун электромагнит майдон назарияси векторлар анализи асосида ўрганилади ва шулар асосида майдон тенгламалари келтириб чиқарилади.

Электр ва магнит майдонни ҳисоблаш масаласи билан чегараланган ҳолда, бу майдонлар тенгламалари орасидаги ўхшашликларни келтириб чиқазиб, тенгламаларни ўхшашлиги асосида тахлаш мақсадга мувофиқдир.

Олдида берилган маълум масалаларни ечишда бошлангич ва чегаравий шартлар берилса, дифференциал тенгламалар тузиш учун берилган масалага координата системаси танланади ва сўнгря ечилади. Электромагнит майдон назарияси ўрганиш, ҳар хил электромагнит ва электрик қурилмаларнинг ишлаш принциплари тушунишга ҳамда уларнинг ишлаш режимларини ҳисоблай олишга ёрдам беради. Бундай амалда кўп тарқалган қурилмалар қаторига автомагнитнинг электромагнит элементлари, электрик машиналар, ҳисоблаш техникасининг магнитий ва электрик элементлари, электрон, радиотехник, голографикавий ва бошқа қурилмалар. Майдон назарияси ўрганилганда аввало бор кам ўзлаштирилган структуралардан жуда ривожланган структураларга қараб борамиз. Шунинг учун аввал вақтга нисбатан ўзгармас майдонни кўриб чиқамиз, яъни бунда электрик ва магнит майдонларни алоҳида кўриш мумкин бўлади.

Магнит майдонини характерловчи асосий катталиклар.

Магнит майдонини характерловчи асосий катталиклар бу магнит индукцияси $\vec{B}$ ва магнитланиш $\vec{J}$. Магнит индукцияси $\vec{B}$ - вектор каталик бўлиб, магнит майдонининг токка таъсир кучи билан аниқланади. Магнитланиш $\vec{J}$ - жинсининг бирлик ҳажмдаги магнит моменти. Бу катталиклардан гашқари магнит майдони, магнит майдон кучланганлиги билан $\vec{H}$ ҳам характерланади. Бу учта катталиқ ўзаро қуйидагига боғланган:

$$\vec{B} = \mu_0 (\vec{H} + \vec{J})$$

"СИ" системасида В тесла (тл) ўлчанади.

$$1 \text{ тл} = 1 \text{ в·сек/м}^2 = 1 \text{ вб/м}^2$$

Магнитланиш $\vec{J}$ ва майдон кучланганлиги $\vec{H}$ "СИ" да ампер/метрда ўлчанади (а/м). Магнитланиш $\vec{J}$ ва кучланганлик $\vec{H}$ векторлари берилган нуқтада бир хил йўналган бўлади:

$$\vec{J} = \chi * \vec{H}$$

$\vec{B}$ ва $\vec{H}$ орасидаги боғлиқлик

$$\vec{B} = \mu_0 \mu \vec{H}$$

μ_0 - вакуумнинг магнит хусусиятини характерловчи доимий катталиқ.

μ - нисбий магнит киритувчанлиги.

$$\text{"СИ" да } \mu_0 = 4\pi \cdot 10^{-7} \text{ гн/м} = 1,256 \cdot 10^{-6} \text{ гн/м.}$$


Магнит оқими Φ магнит индукцияси векторининг S юзадаги оқими ҳисобланади:

$$\Phi = \int_S \vec{B} d\vec{S}$$

dS - S юзанинг элементи.

"СИ" да магнит оқими в·сек ёки вебер (вб) ўлчанади. Ҳисобларда асосан магнит индукция $\vec{B}$ ва кучланганлик $\vec{H}$ дан фойдаланилади. I тоқли $d\vec{l}$ узунликдаги ўтказгичга магнит майдонининг таъсир кучи $\vec{F}$ қуйидаги тенглик орқали аниқланади:

$$\Phi = I [d\vec{l} \vec{B}] \quad (1)$$



Бу куч магнит индукциясига ва элемент тоқига $I d\vec{l}$ шу нуқтада перпендикуляр бўлади. (1) тенглама асосида электромагнит индукцияни $d\vec{l}$ узунликдаги ўтказгичдан оқаётган токка куч таъсири орқали аниқлаш мумкин.

Демак, электромагнит майдони ўзаро боғланган электр ва магнит майдонлар бирлигидан иборат. Магнит майдони электромагнит майдонининг бир тарафини ташкил этади. Қардан ток оқиб ўтса, шу ерда албатта магнит майдони ҳосил бўлади. Тескари тушунча ҳам мавжуд, қайси бир нуқтада магнит майдони бўлса, у албатта ток таъсирида ҳосил бўлади.

Электростатик майдон.

Электростатик майдон тушунчаси. Электростатик майдон - бу электромагнит майдонининг хусусий туридир. У электр зарядларининг жамлиги

асосида содир бўлиб, бу зарядлар кузагувчига нисбатан атроф мухитда ҳаракатга бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгаришсиз қолади.

Физика курсидан маълумки, ҳар қандай жисм элементар зарядларни заррачалар гаркиб гопган бўлиб электромагнит майдони билан ўралган.

Элементар зарядлар, электрон ва протоннинг зарядлари ўзининг шахси майдонлари билан ва ташки электрик майдонлар билан таъсирланишлари била характерланадилар.


Заряд (жисм заряди) деганда скаляр катталиқ тушунилади ва у шу жинсда элементар электрик зарядларининг алгебраик йигиндисини ташкил этади.

Кейинчалик қўриладиган майдонлар бир жинсли ва изотроп мухитда ҳес, бўлган бўлади, яъни бу мухитда майдоннинг ҳар қандай нуқтасида унинг электрик хусусиятлари бир хил бўлади. Электростатик майдон унга жойланган электрик зарядга механик куч билан таъсир қила олиш хусусиятига эга, бу таъсир заряд катталигига тўғри пропорционал ҳолда бўлади.

Электростатик майдон тушунчаси асосига Кулон қонуни бўйича тушунтириловчи унинг механик таъсири олинган.

Мазъруза №2.

Кулон қонуни



Вакуумдаги икки нуқтавий зарядлар q_1 ва q_2 бир -бири билан F куч билан таъсирда ва бу куч зарядларнинг қўпайтмасига тўғри пропорционал бўлиб, улар орасидаги масофа R квадратиға тесқари

пропорционалдир. Агар зарядлар бир хил ишорали бўлсалар улар бир-бирларидан қочади ва қарама-қарши ишорада бўлсалар тортилиш ади.

$$\vec{F} = \frac{q_1 q_2}{4\pi\epsilon_0 R^2} \vec{R}_0$$

Бу ерда $\vec{R}_0$ зарядларни бирлаштирувчи чизик бўйлаб йўналган бирлик вектор.

“ СИ “ да R метрда улчанади (м), зарядлар кулонда (к), $\epsilon_0 = 8,86 \cdot 10^{-12}$ ф/м электр доимийси у ҳолда ток кучи ньютонда улчанади. Нуқтавий заряд бу, таъсирланувчи зарядар жойлашган жинсларнинг ўлчамлари улар орасидаги масофадан анча кичик бўлган катталиқ тушунилади.

Электростатик майдон кучланганлиги ва потенциали

Электростатик майдонни характерловчи асосий катталиқлар $\vec{E}$ кучланганлик ва ϕ потенциалдир. Электростатик майдон кучланганлиги - вектор катталиқдир, у майдоннинг ҳар бир нуқтасида ўзининг йўналишига ва катталигига эга; потенциал эса скаляр катталиқдир. Майдоннинг ҳар бир нуқтасида ўзининг

маълум бир сони билан аниқланади. Майдоннинг ҳамма нуқталарида E ва φ ни ўзгариш қонунилари маълум бўлса, унда электростатик майдон аниқланиши мумкин.

Агар электростатик майдонга жуда кичик микдордаги мусбат зарядни жойлаштириб қўйсан, унда шу зарядга таъсир кучининг заряд микдорига нисбатан майдон кучланганлигини ифода қилади.

$$E = \lim_{g \rightarrow 0} \frac{\vec{F}}{g}$$

Майдон кучланганлиги сон жиҳатидан зарядга таъсир кўрсатаётган кучга тенгдир. Агар майдон бир қанча зарядлар таъсирида ҳосил бўлса, унда кучланганлиги геометрик йиғинди асосида аниқланади.

$$\vec{E} = \vec{E}_1 + \vec{E}_2 + \vec{E}_3 + \dots$$

Электростатик майдонга бирор бир q зарядни жойлаштирамиз. Бу зарядга $q\vec{E}$ куч таъсир этади. q заряд 1 нуқтада 2 нуқтага 1, 3, 2 йўналишда жойлансин. Бу йўналишдаги бажарилган иш элементар $q\vec{E}d\vec{l}$ ишлар йиғиндисидан иборат бўлиб чизиқли интеграл ёрдамида ифодаланиши мумкин:

$$q = \int_1^2 \vec{E} d\vec{l}$$

$\varphi_1 - \varphi_2$ потенциаллар фарқи зарядни 1 нуқтадан 2 нуқтага ўтказишдаги бажарилган ишни ифода қилади:

$$\varphi_1 - \varphi_2 = \int_1^2 \vec{E} d\vec{l}$$


Агар $\varphi_2 = 0$ бўлса: $\varphi_1 = \int_1^2 \vec{E} d\vec{l}$

Шундай қилиб, ихтиёрий олинган 1 нуқтанинг потенциали бажарилган иш орқали аниқланиши мумкин, шу зарядни бир нуқтадан иккинчи нуқтага қўчиришда ва иккинчи нуқтанинг потенциали нолга тенг бўлса. Майдондаги хоҳлаган нуқтанинг потенциали нолга тенг деб қабул қилиш мумкин.

“ m ” нуқтага мусбат нуқтавий заряд жойлаштирамиз. 1, 2, 3 йўналиш бўйича бирлик мусбат заряд ҳаракат қилади $q = 1$.

R_1 - “ m ” ва 1 нуқталар орасидаги масофа, R_2 - “ m ” ва 2 нуқталар орасидаги масофа, R - “ m ”, 3 орасидаги масофа.

Кулон қонунига асосан: $\vec{F} = \frac{g_1 g_2}{4\pi\epsilon_0 R^2} \vec{R}_0$




$R_0 = 1$ ва $q = 1$ қабул қилсак:

$$E = \frac{q_1}{(4\pi\epsilon_0 R^2)}$$

қўрилатган ҳолат учун: $\varphi_1 - \varphi_2 = 0 = \int \vec{E} d\vec{l}$

Яъни электростатик майдонда электрик майдон кучланганлиги бўйича олинган чизиқли интеграл, ихтиёрий ёпиқ йўл бўйича нолга тенг. Тенглама $\vec{E}$ векторнинг ихтиёрий ёпиқ контур бўйича ҳаракати нолга тенглигини билдиради. Бу электростатик майдоннинг асосий хусусиятини ифодалайди, яъни бундай шартни қаноатлантирувчи ҳар қандай майдон потенциал ҳисобланади.

Эквипотенциал ҳамда куч чизиқлари.



Электростатик майдон эквипотенциал ва куч чизиқлари билан характерланади.

Куч чизиқлари бу майдонда ҳаёлан


ўтказилган чизик бўлиб, у мусбат зарядланган жисмда бошланиб, манфий зарядланган жисмда тугайди. Бу чизиқнинг ихтиёрий нуқтасида

ўтказилган уринма майдон кучланганлиги E йўналишини кўрсатади. Электростатик майдонда эквипотенциал юзани ўтказиш (тенг потенциаллик) мумкин. Эквипотенциал юзи деганда майдондаги нуқталарнинг бир хил потенциал қийматига эга бўлиши тушунилади. Бундай чизиқлар эквипотенциал чизиқлар деб аталади ва бу чизиқлар бўйлаб ҳаракат уларда потенциал ўзгаришни келтириб чиқазмайди. майдон куч чизиқлар ўзи билан ёпиқ контур ҳосил этмайди. Бундан фарқли “эквипотенциал” куч чизиқлари бир бирлари билан ёпиқ контур ҳосил этади.

Маъруза №3.

Кучланганликни потенциал градиенти кўринишида ифодаланиши. (Скаляр функциянинг градиенти)

Олий математика курси бўйича скаляр функциянинг градиенти



бу унинг ўзгариш тезлиги бўлиб, унинг йўналиши скаляр функциясининг кўпайиши тарафига қаратилади. Чизмада икки эквипотенциалнинг кесмаси келтирилган.

$$\varphi_1 > \varphi_2$$

Градиент эквипотенциал чизиқларига перпендикуляр бўлиб йўналиши φ_2 дан φ_1 га, яъни потенциал кучайиши тарафига қаратилади. Агар dn эквипотенциаллар орасидаги масофа десак, унда:

$$d\vec{n} = \vec{n} dn \text{ бўлади}$$

$\vec{n} - dn$ йўналишидаги бирлик вектор
 dn - масофа вектори

$$\varphi_1 - \varphi_2 = \int_1^2 \vec{E} d\vec{l} \approx \vec{E} d\vec{n} = -d\varphi$$

$d\varphi = \varphi_1 - \varphi_2$ - 1 нуқтадан 2 нуқтага ўтишдаги потенциал фарқи.
 У ҳолда $E dn = -d\varphi$ бўлса $E = -d\varphi/dn$ бўлади.
 Майдон кучланганлигини вектор кўринишида ифодаласак:

$$\begin{aligned} \vec{E} &= E \vec{n} \\ \vec{E} &= - \frac{d\varphi}{dn} \vec{n}; \end{aligned} \quad (1)$$

Градиент таърифига асосан: $\text{grad } \varphi = \frac{\varphi_1 - \varphi_2}{dn} (-\vec{n}) = - \frac{d\varphi}{dn} (-\vec{n}); \quad (2)$

(1) ва (2)ни солиш тириб: $\vec{E} = -\text{grad } \varphi; \quad (3)$

“—” ишора E ва $\text{grad } \varphi$ йўналишлари қарама-қарши эканлигини билдиради.
 dn - нормал чизиқ умумий ҳолда бирор бир координата ўқи билан мос келмай қолиши мумкин. Шунинг учун потенциал градиенти умумий кўринишида уч координатага проекцияси йиғиндиси кўринишида ифодаланади:

$$\text{grad } \varphi = \vec{i} \frac{\partial \varphi}{\partial x} + \vec{j} \frac{\partial \varphi}{\partial y} + \vec{k} \frac{\partial \varphi}{\partial z}; \quad (4)$$

$\vec{i} \frac{\partial \varphi}{\partial x}$ — φ нинг “x” ўқида ўзгариш тезлиги.

i, j, k - бирлик орталар x, y, z ўқлар бўйича декарт системасига асосан

Кучланганлик вектори: $\vec{E} = i E_x + j E_y + k E_z$;

У ҳолда (3) ни қўйидагича ифодалаймиз:

$$i E_x + j E_y + k E_z = - \left[i \frac{\partial \varphi}{\partial x} + j \frac{\partial \varphi}{\partial y} + k \frac{\partial \varphi}{\partial z} \right];$$

Проекциялар мос бўлгандагина икки вектор бир-бирига тенг бўлади.

$$E_x = - \frac{\partial \varphi}{\partial x}; \quad E_y = - \frac{\partial \varphi}{\partial y}; \quad E_z = - \frac{\partial \varphi}{\partial z};$$

Демак, майдон кучланганлигининг “х” ўқиға проекцияси потенциалнинг ўзгариш тезлигига тескари ишорада олинган қийматига тенгдир.

Маъруза №4.

Гамильтоннинг дифференциал оператори (набла оператори)

Скаляр ва вектор катталиклар ёрдамида амаллар бажариш онсонлаштириш учун дифференциал кўринишидаги Гамильтон операторидан (набла оператори) фойдаланилади.

$$\nabla = i \frac{\partial}{\partial x} + j \frac{\partial}{\partial y} + k \frac{\partial}{\partial z};$$


φ - потенциал учун ёзсак:

$$\nabla \varphi = \left(i \frac{\partial}{\partial x} + j \frac{\partial}{\partial y} + k \frac{\partial}{\partial z} \right) \varphi = i \frac{\partial \varphi}{\partial x} + j \frac{\partial \varphi}{\partial y} + k \frac{\partial \varphi}{\partial z};$$


Бу тенгликни (4) билан солиштирсак, уларнинг ўнг томонлари бир хил, унда чап томонлари ҳам тенгдир.

$$\text{grad} \varphi = \nabla \varphi;$$

Яъни $\nabla\varphi$ ифода билан $\text{grad}\varphi$ бир бирига тенг бўлиб чапдаги функция градиент скаляр функциядан олинганлигини билдиради.



а)



б)


Потенциал градиенти цилиндрик координаталар системасида а):

$$\text{grad}\varphi = \vec{r} \cdot \frac{\partial\varphi}{\partial r} + \alpha_z \cdot \frac{1}{z} \frac{\partial\varphi}{\partial \alpha} + z_z \cdot \frac{\partial\varphi}{\partial z}$$

Потенциал градиенти сферик координаталар системасида б):

$$\text{grad}\varphi = \vec{R} \cdot \frac{\partial\varphi}{\partial R} + \vec{Q} \cdot \frac{1}{R} \frac{\partial\varphi}{\partial Q} + \vec{\alpha} \cdot \frac{1}{R \sin Q} \frac{\partial\varphi}{\partial \alpha}$$

Зарядланган ўқ майдони




Зарядланган ўқ назарий ҳолда чексиз узунликдаги металлдан иборат ўтказгич (ингичка сим) тушунилади. Унинг бирлик узунлигига тўғри келадиган заряд миқдори τ билан белгиланади. Ўқнинг атрофидаги муҳитнинг диэлектрик киритувчанлигини ϵ_0 билан аниқланади. Масалани ечиш учун ўқнинг маълум r масофадаги цилиндрдан иборат шаклни қабул қиламиз.

Бу цилиндрик юзанинг ихтиёрий нуқтасидаги электр майдон кучланганлиги:

$$E = \frac{\tau}{(2\pi\epsilon_0 r)};$$

Потенциал:



$$\nabla^2 \varphi = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial \varphi}{\partial r} \right) + \frac{1}{r^2} \frac{\partial^2 \varphi}{\partial \theta^2} + \frac{\partial^2 \varphi}{\partial z^2}$$

$$\varphi = \frac{\tau}{2\pi\epsilon_0} \ln \frac{1}{r} + C. \quad (2)$$

(2) чини (1) га қўйсак :

$$\frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left[r \frac{\partial}{\partial r} \left(\frac{\tau}{2\pi\epsilon_0} \ln \frac{1}{r} \right) \right] = 0$$

Демак, сунний қирғизилган заряд микдор жихатидан берилган заряд микдорига тенгдир, фақат ишораси тескари.

Электромагнит майдони ва унинг интеграл формадаги тенгламалари.

Электромагнит майдон материянинг махсус турн хисобланади. Электромагнит майдон маълум микдордаги энергияни ташувчи бўлиб, у бошқа турдаги энергияларга - химиявий, иссиқлик, механик ва бошқаларга айлана олиш хусусиятига эга.

$$W = mc^2$$

W - тўла энергия,
m - тўла масса,
c - ёруғлик тезлиги.

Электромагнит майдонининг яна бир хусусияти унинг зарядланган заррачаларга маълум куч билан таъсир қила олишидир.

Хар қандай электрик токи албатта электрик токи билан боғланган бўлади. Физик кўринишида асосан икки хил электрик тоқлар ифодаланади.

Биринчиси элементар зарядларнинг ҳаракатидан юзага келувчи тоқлар бўлиб, улар электрон заряд микдорига эга бўлади. Булар турига кучиш токи, ўтказувчанлик токи, силжиш тоқининг бир қисми киради.

Иккинчи элементар зарядланган заррачаларнинг ҳаракатлари орқали ифодаланмасдан, бўшлиқдаги электрик силжиш токи хисобланади.

Зарядланган заррачаларнинг ҳаракат мухитида бир вақтнинг ўзида электрик майдони ва магнит майдони мавжуд бўлади. Демак, электрик майдонининг вақтга

нисбаган хар қандай ўзгаришда магнит майдони ҳам ўзгариши содир бўлади. Шунинг учун бу иккига майдонлар биргаликда электромагнит майдонини аниқлайди. Электрик ток билан магнит майдони

$$\oint Hdl=i$$

кучланганлиги орасидаги боғланиш тўла ток қонуни орқали аниқланади.

яъни, хар қандай ихтиёрий ёпиқ контурнинг магнит майдони бўйича олинган чизиқли интеграл шу контурнинг сиртин бўйича четараланган тўла токка тенгдир. Тенгламанинг ўнг томонида токларнинг ҳамма турлари йиғилган бўлиб, бўшлиқдаги силжиш токи ҳам кириши Максвелл томонидан берилган. Тенглама электрик ва магнит ўзгаришларни тушунтиради, яъни электрик майдонининг ўзгариши орқали зарядланган заррачаларнинг ҳаракати натижасидаги магнит майдонини ифодалайди.

Иккинчи боғланиш магнит майдонининг вақтга боғлиқ холда ўзгаришидаги электрик майдонининг юзага келишини аниқлайди. Бу қонун Фарадей томонидан очилган бўлиб, электромагнит индукцияси қонуни сифатида ифодаланган. Лекин Максвелл бу қонуни хар қандай муҳит учун мос келадиган кўринишда умумлаштирилган. Максвелл қонуни бўйича контурдаги магнит оқимининг ўзгариши орқали юзага келган э.ю.к., шу контурдаги манфий ишора билан олинган оқимининг ўзгариш тезлигига тенгдир. Контурда э.ю.к. келиб чиқиши магнит майдонининг ўзгариш орқали электрик майдонининг индуктивланишининг натижасидир.

Электромагнит индукциясини тушунтирувчи Максвеллнинг

$$\oint E dl = - \frac{d\Phi}{dt}$$

умумлаштирилган қонуни.

Яъни, электромагнит индукцияси ходисаси шундан иборатки, магнит майдонининг вақтга нисбаган хар қандай ўзгариши, шу муҳитда у билан боғлиқ бўлган электрик майдонини юзага келтиради. Электрик майдонининг уни кўраб турган электрик зарядлар билан боғланиши Максвелл постулати орқали тушунтирилади.

$$\oint D ds = q.$$

Яъни, электрик силжиш векторининг оқими ёпиқ қонтур бўйича шу муҳитдаги эркин зарядга тенг. Магнит индукцияси вектори чизиқлари ўзликсиздир, чунки:

$$\oint B ds = 0$$

Юқорида келтирилган тўрта тенгламалар электромагнит майдонининг интеграл формадаги асосий тенгламаларидир. Занжир параметрларини ҳисоблашда занжир участкаларида ток ва кучланишлар мавжудлиги натижасидан юзга келган электрик ва магнит майдонларини билиш керак. Электромагнит майдон келиб чиқиш характерини аниқлаш учун ток зичлиги, электрик майдон кучланганлиги, магнит индукция ва бошқаларни вақтга нисбатан атроф муҳитда ўзгаришини билиш зарур.


Электромагнит майдон энергияси узатиш симлари орқали эркин муҳит бўйлаб ёруғлик тезлигида онсон узатилиши мумкин. Электромагнит майдонининг бундай хусусиятлари электромагнит қурилмалари ёрдамида катта қийматдаги энергия оқимларини бошқаришга ёрдам беради, кўп миқдордаги маълумотларини тарқатиш мумкин, космик фазода юз миллионлаб километрларга сигналларни юборса бўлади, ҳисоблаш техника ёрдамида мураккаб ҳисоблашларини жуда катта тезликларда амалга оширса бўлади.

Электромагнит майдонини тадқиқ этишда муҳитдаги ҳар бир нуқта учун уни характерловчи ҳамма катталикларни аниқлаш лозим. Шунинг сабабли интеграл формада келтирилган тенгламалар қаноатлантирмайди, тенгламалар дифференциал формада келтирилган бўлиши керак.

Бундан кейин электромагнит майдони ҳаракатсиз муҳитда, хусусан ҳаракатсиз ўтказгичларда кўриб борилади. Ҳамма тенгликлар вақт бўйича хусусий ҳосилаларда келтириб чиқарилади.

Маъруза №6.

Тўла ток қонунининг дифференциал формаси - Максвеллнинг биринчи тенгламаси



$$\oint \mathbf{H} d\mathbf{l} = i$$

Магнит майдони кучланганлигининг чизиқли интегрални ёпиқ контур бўйича электр токи ўлчамининг S сирт орқали ўтишини ифодалайди. Бу масалани ечиш учун тенгламани дифференциал формада ифодалаш лозим. Токни A нуқта жойлашган сиртдан оқиб ўтиш мумкинлиги аниқ-

лаш керак ва токнинг зичлиги нимага тенглигини билиш лозим.

ΔS сирт учун ўтувчи ток Δi га тенг

$$\oint \mathbf{H} d\mathbf{l} = \Delta i$$

Аниқ қийматни топиш мақсадида тенгликни чап ва ўнгини ν S га бўламиз, яъни S нолга интилганда A нуқтага яқинлашади.

$$\lim_{\Delta S \rightarrow 0} \frac{\oint H dl}{\Delta S} = \lim_{\Delta S \rightarrow 0} \frac{\Delta i}{\Delta S}.$$

Тенгликнинг ўнг томони ток зичлиги векторнинг ташкил этувчиси бўлиб S

$$\lim_{\Delta S \rightarrow 0} \frac{\Delta i}{\Delta S} = \delta \cos \beta = \delta_n.$$

сиртдаги A нуқтадан N нормал томонга йўқолган

Тенгликнинг чапидаги ифода математика курсидан маълум булган S сиртнинг A нуқтадан векторнинг нормал бўйича проекциясини ифодалаб N векторнинг ўрамаси ёки ротори дейилади.

N вектор ўрамасини $\text{rot } N$ кўринишида ифодаланади. Мос ҳолда унинг проекциялари учун кўйидагиларни келтирамиз:

$$\text{rot}_n H = \lim_{\Delta S \rightarrow 0} \frac{\oint H dl}{\Delta S}$$

$$\text{демак} \quad \text{rot}_n H = \delta_n$$


Агар мусбат нормал билан ток зичлиги вектори элемент сиртидан йўналишлари

билан мос келса $\frac{\Delta i}{\Delta S}$ нисбат энг катта қийматига эришади. У ҳолда тўла ток

қонунининг дифференциал формадаги кўринишидан ифода $\text{rot}_n H = \delta$ бўлади.

Электромагнит майдонининг бу тенгламаси Максвеллнинг биринчи тенгламаси, деб номланган. Бу майдон тенгламасининг вектор формадаги ифодасининг авзаллиги шундаки, у координаталар системасининг топланишига боғлиқ бўлмайди.

$\text{rot } A$ векторнинг декарт координаталари системасидаги ташкил этувчиларини кўриб чиқамиз. Текисликдаги жуда кичик бўлган тўртбурчак a, b, c, d а контурини кўриб чиқамиз. Y, O, Z учун Adl нинг ташкил этувчиларини контурлар бўйича жойлаймиз.



Координаталар бўйича қўйидагиларга эга буламиз:

ав - томон бўйича $+ A_y dy$

вс - томон бўйича $+ \left(A_z + \frac{\partial A_z}{\partial y} dy \right) dz$

cd - томон бўйича $- \left(A_z + \frac{\partial A_y}{\partial y} dz \right) dy$

da - томон бўйича $- A_z dz$

Бу катталикларни қўшиб ва $dydz$ юзига бўлиш орқали чекланган контур учун топамиз:

$$\text{rot}_x A = \frac{\partial A_z}{\partial y} - \frac{\partial A_y}{\partial z}$$

Худди шундай йўл билан қолган ташкил этувчиларни ёйсак:

$$\text{rot}_x A = \frac{\partial A_z}{\partial y} - \frac{\partial A_y}{\partial z}; \quad \text{rot}_y A = \frac{\partial A_z}{\partial z} - \frac{\partial A_x}{\partial x}; \quad \text{rot}_z A = \frac{\partial A_y}{\partial x} - \frac{\partial A_x}{\partial y}.$$

Шундай қилиб, декарт координаталари системаси учун Максвеллнинг биринчи тенгламаси қўйидаги кўринишда ифодаланилади:

$$\frac{\partial H_z}{\partial y} - \frac{\partial H_y}{\partial z} = \delta_x;$$


$$\frac{\partial H_x}{\partial z} - \frac{\partial H_z}{\partial x} = \delta_y;$$

$$\frac{\partial H_y}{\partial x} - \frac{\partial H_x}{\partial y} = \delta_z.$$

Маъруза №7.

Электромагнит индукция қонунининг дифференциал формаси – Максвеллнинг иккинчи тенгламаси

Электромагнит индукцияси қонунини дифференциал формада ёзамиз:



$$\oint E dl = - \frac{d\Phi}{dt},$$

Майдон ҳаракатсиз муҳитдан иборат деб ҳисоблаб вақт бўйича олинган тула ҳосилани хусусий ҳосила билан алмаштирамиз. Электрик майдон кучланган-лигининг чизиқлик интегралини S сирт билан чегараланган ва қандайдир A нуқтага интилувчи нуқта сифатида ифодалаймиз. У ҳолда E ўрамининг A нуқта бўйлаб йўналган нормал билан мос келувчи проекциясини ҳосил қиламиз.

$$\lim_{\Delta S \rightarrow 0} \frac{\oint H dl}{\Delta S} = \text{rot}_n E.$$

Тенгламанинг ўнг томонида $\Delta\Phi$ оқимини ΔS сирт юзасига бўлиб A нуқта учун магнит индукцияси векторининг ташкил этувчисини ҳосил қиламиз:

$$\lim_{\Delta S \rightarrow 0} \frac{\oint H dl}{\Delta S} = \frac{d\Phi}{dS} = B_n.$$

Унда

$$\operatorname{rot}_n E = -\frac{\partial B_n}{\partial t}$$

Бўлади. ўтган нормални $-d\Phi/dt$ векторга мос йўналтирсак тенгламанинг чап томонида E векторининг ўрамасини ҳосил қиламиз.

$$\operatorname{rot} E = -\frac{\partial B}{\partial t}$$

Бу тенглама электромагнит индукцияси қонунининг дифференциал формасини ифодалайди. Бу Максвеллнинг иккинчи тенгламаси деб номланади.

Агар B вектори ҳам миқдори ва йўналиши бўйича ўзгарса унда $-dB/dt$ хусусий ҳосила B вектори билан бир томонга йўналмайди. Декарт координатаси системасида кўйидагини ҳосил қиламиз:

$$\frac{\partial E_z}{\partial y} - \frac{\partial E_y}{\partial z} = -\frac{\partial B_x}{\partial t},$$

$$\frac{\partial E_x}{\partial z} - \frac{\partial E_z}{\partial x} = -\frac{\partial B_y}{\partial t},$$

$$\frac{\partial E_y}{\partial x} - \frac{\partial E_x}{\partial y} = -\frac{\partial B_z}{\partial t},$$


Маъруза №8.

Гаусс теоремаси ва Максвелл постулатининг дифференциал формаси

Гаусс теоремаси :

$$\oint E dS = \frac{q}{\epsilon}$$

Электр майдони кучланганлиги векторининг оқими ёпиқ сирт орқали бир жинсли ва изотроп бўлган муҳит бўйлаб, шу муҳида жойлашган электр зарядининг муҳитнинг диэлектрик киритувчанлик нисбатига тенгдир. Яъни электрик майдон кучланганлиги интеграли маълум ёпиқ сирт бўйлаб тарқалган бўлса, бир жинсли ва изотроп муҳида у шу сиртда жойлашган электрик зарядининг ўлчами сифатида қурилиши мумкин.



Лекин интегралнинг "катталиги" асосида электр зарядининг епиқ сирт ичида электр зарядининг тарқалиши хақида фикр юргизиш мумкин эмас. Бу масалани хал этиш учун Гаусс теоремасини дифференциал формасини қўллаш керак. $\nabla \cdot \mathbf{E}$ хажм билан чегараланган V векторнинг оқими $\oint \mathbf{E} \cdot d\mathbf{S}$ кичик зарядни q -га бўлинганига тенг.

$$\oint \mathbf{E} \cdot d\mathbf{S} = \frac{q}{\epsilon_0}$$


Тенгламанинг иккала қисмини V бўлиб $V \rightarrow 0$ ни қилиб айлантирамиз:

$$\lim_{\Delta V \rightarrow 0} \oint \frac{\mathbf{E} \cdot d\mathbf{S}}{\Delta V} = \lim_{\Delta V \rightarrow 0} \frac{q}{\epsilon_0 \Delta V}$$


Тенгликнинг чап томонидаги ифода (расхождение) ёки $\mathbf{E}$ векторнинг дивергенцияси дейилади ва қисқача $\text{div } \mathbf{E}$ билан белгиланади. Тенгликнинг ўнг томонида электр заряднинг хажмий зичлик ρ -ни ϵ_0 -га бўлган ифодасини ҳосил қиламиз. Шундай қилиб Гаусс теоремасининг дифференциал формаси :

$$\text{div } \mathbf{E} = \frac{\rho}{\epsilon_0}$$


Дивергенция майдони $\rho \neq 0$ ва $\rho = 0$ бўлган жойларида яхши характерлайди.



а)




б)



в)

Маълумки, ΔV да электр зарядининг хажмий зичлиги нолга тенг бўлмаса, бу хажм сирти бўйлаб электр майдон кучланганлиги чизиқлари сочилади, еки йиғилади, а, б - - расмлар.

Яъни, вектор $\mathbf{E}$ нинг фарқи нолга тенг эмас. Майдоннинг хажмий зарядлари бўлмаган ($\rho = 0$) жойида кучланганлик чизиқлари в - расмда кўрсатилгандек кўриниш ида бўлади. $\mathbf{E}$ векторнинг фарқи бундай жойларда нолга тенг $\text{div } \mathbf{E} = 0$. $\text{div } \mathbf{E} = 0$ бўлган майдон оралигида майдон соленоид сифатли деб аталади. $\text{div } A$ декарт координаталарда ифодалаймиз.



Томонлари $dx dy dz$ тенг бўлган чексиз кичик бўлган параллелепипедни тасовур қиламиз. Y координата ўқларига параллел. A вектор оқими параллелепипед сирти бўйлаб унинг қирралари орқали йиғилади

$-A_x dydz$ - четдаги қирра бўйлаб;

$$+ \left(A_x + \frac{\partial A_x}{\partial x} dx \right) dydz$$

якин қирра бўйлаб;

$-A_y dx dz$ - чап қирра бўйлаб;

$$+ \left(A_y + \frac{\partial A_y}{\partial y} dy \right) dx dz$$

- унг қирра бўйлаб;

$-A_z dx dy$ - пастки қирра бўйлаб

$$+ \left(A_z + \frac{\partial A_z}{\partial z} dz \right) dx dy$$

- чапдаги қирра бўйлаб

Параллелепипеднинг ҳажмини $dx dy dz$ қирралар бўйича оқимларни қўш сак:

$$\text{div} A = \frac{\partial A_x}{\partial x} + \frac{\partial A_y}{\partial y} + \frac{\partial A_z}{\partial z}$$

Вектор фарқи ∇A билан белгиланиб (∇ нобла) Гамильтон операторнинг дифференциал векторини ифодалайди. Декарт координаталар системасида:

$$\nabla = i \frac{\partial}{\partial x} + j \frac{\partial}{\partial y} + k \frac{\partial}{\partial z};$$

бунда: i, j, k - ox, oy, oz ўқлар бўлиб бирлик векторлар

$$\frac{\partial}{\partial x} = \nabla_x, \frac{\partial}{\partial y} = \nabla_y, \frac{\partial}{\partial z} = \nabla_z \quad \nabla \text{ (набланинг) координат ўқлари бўйлаб ташкил этувчилари}$$

∇A дифференциал ифодани ∇ ва A векторларни скаляр қўпайтмаси каби ифодаласа бўлади.

$$\nabla A = \left(i \frac{\partial}{\partial x} + j \frac{\partial}{\partial y} + k \frac{\partial}{\partial z} \right) (iA_x + jA_y + kA_z) = \frac{\partial}{\partial x} A_x + \frac{\partial}{\partial y} A_y + \frac{\partial}{\partial z} A_z = \operatorname{div} A$$

Бунда $ii = jj = kk = 1$ ва $ij = jk = ki = 0$

Шундай қилиб, Гаусс теоремасини дифференциал формада ёзиш мумкин:

$$\nabla E = \frac{\rho}{\epsilon}$$

Декарт координаталар системасида ёзилса: $\frac{\partial E_x}{\partial x} + \frac{\partial E_y}{\partial y} + \frac{\partial E_z}{\partial z} = \frac{\rho}{\epsilon}$

Бир жинсли бўлмаган ва изотроп мухитларда Гаусс теоремасини қўллаб бўлмайди. У ҳолда электр силжиш вектори D учун мўлжалланган тенгламадан фойдаланилади.

$$\oint_S D ds = q$$

Бу Максвелл постулати дифференциал формада ёзамиз:

$$\lim_{\Delta v \rightarrow 0} \frac{\oint D ds}{\Delta v} = \lim_{\Delta v \rightarrow 0} \frac{\Delta q}{\Delta v}$$

яъни $\boxed{\operatorname{div} D = \rho}$ еки $\boxed{\nabla D = \rho}$

Декарт координатларида бу тенгликни ёзамиз:

$$\frac{\partial D_x}{\partial x} + \frac{\partial D_y}{\partial y} + \frac{\partial D_z}{\partial z} = \rho$$

Кўриниб турибдики, $\operatorname{rot} A$ ни ∇ билан $[\nabla A]$ алмаштириб ёзиш мумкин.

Маъруза № 9.

Электр токи билан магнит оқимининг ўзлуксизлиги
принципини дифференциал формада ифодалаш.

Магнит оқимининг фундаментал аҳамиятга эга бўлган узлуксизлик принципи тарифи бўйича магнит индукция чизиқлари бошланишига ҳам эга эмас, охири ҳам йўқдир, яъни ҳамма томонга узлуксиздир. Демак, магнит оқими ёпиқ сир бўйича нолга тенг.

$$\oint_S B ds = 0$$

Табиятда фақатгина электр зарядларигина электрик силжиш чизиқларини бошланиши бўлиб, магнит индукция чизиқлари келиб чиқишининг сабабчисидир. Магнит оқими электр ток ёрдамида ҳосил бўлади ва магнитавий индукция чизиқлари электр токини ўраб олиб ёпилади ва ўзлуксиз бўлади. Б. принципининг дифференциал формадаги математик ифодаси:

$$\operatorname{div} B = 0$$

Бу тенглик магнит оқимининг ҳар қандай нуқтаси учун тўғридир. Электр токи узлуксизлигининг принципи ҳам фундаментал аҳамиятга эга бўлиб, ток чизиқлари ҳеч қачон узилмайди ва ёпиқдир. Утказувчанлик, кучиш ва силжиш тўла токи ҳар қандай ёпиқ сирт бўйлаб ўтишида ташқи нормал йўналишида нолга тенг.

$$\oint \delta ds = 0$$

Бу тенгликнинг дифференциал кўриниши: $\operatorname{div} \delta = 0$

Бу ифода худди $\operatorname{div} B = 0$ каби ташқи муҳитнинг ҳар қандай нуқтаси учун ҳақлидир. $\operatorname{Div} \delta = 0$ тенглик Максвеллнинг биринчи тенгламасининг бир кўриниши ҳисобланади. Чунки, $\operatorname{div} \delta = \operatorname{div} \operatorname{rot} H$. Лекин ҳар қандай A вектори учун урамаларнинг фарқи нолга тенг.

$$\begin{aligned} \operatorname{div} \operatorname{rot} A &= \frac{\partial}{\partial x} \operatorname{rot}_x A + \frac{\partial}{\partial y} \operatorname{rot}_y A + \frac{\partial}{\partial z} \operatorname{rot}_z A = \\ &= \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{\partial A_z}{\partial y} - \frac{\partial A_y}{\partial z} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{\partial A_x}{\partial z} - \frac{\partial A_z}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left(\frac{\partial A_y}{\partial x} - \frac{\partial A_x}{\partial y} \right) = 0 \end{aligned}$$

Демак, электромагнит майдони тенгламаларининг тўла системасига қирувчи асосийларидан бири Максвеллнинг биринчи тенгламаси магнитовий оқим билан электр токини узлуксизлигини характерловчи икки ифодасидан фақат биринчиси бўлиши шарт.

Остроградский теоремаси. Стокс теоремаси.

Майдон назариясида катта аҳамиятга эга бўлган Остроградский ва Стокс теоремаларини ифодаловчи тенгликни келтирамиз. Бу тенглик геометрик маънога эга бўлиб, у ихтиёрый A вектор учун ҳақлидир, лекин олдин уни электр майдон кучлангавлиги ва магнитавий майдон векторлари тенгламалари орқали келтирамиз.

Заряд q , Сирт билан чегараланган маълум бир V ҳажим бўйлаб тақсимланган бўлсин

$$q = \int_V \rho dv$$

Гауссининг интеграл формадаги теоремаси асосида ёзиш мумкин.

$$\oint E ds = \int_V \frac{\rho}{\epsilon} dv$$

ρ/ϵ ни $\text{div } E$ билан алмаштириб қўйидаги дифференциал формадаги тенгликни ҳосил этимиз

$$\oint_S E ds = \int_V \text{div } E dv$$

Бу векторни ихтирий A вектор учун ифодаласак:

$$\oint_S A ds = \int_V \text{div } A dv$$

Бу Остроградский теоремасининг формуласи бўлиб, ҳажмий интегралнинг сирт бўйича ифодалашнинг геометрик талқинидир.

“ I ” контур билан чегараланган ёпиқ S сирт бўйича i ток ўтаётган бўлсин.

$$i = \int_S \delta ds$$

Максвеллнинг биринчи тенгламасининг интеграл формадаги тенгламаси бўйича:

$$\oint_I H dl = \int_S \delta ds$$

6- ни $\text{rot } H$ билан алмаштирсак:

$$\oint_I H dl = \int_S \text{rot } H ds$$

Бу тенглик ҳар қандай A вектордаги S сирт ва I контур учун ёзилиши мумкин:

$$\oint_I A dl = \int_S \text{rot } A ds$$

Бу Стокс теоремаси формуласи бўлиб, сирт интегралнинг контур бўйича интегралининг геометрик маъносини ифодалайди.

Ўтказувчанлик, силжиш ҳамда кучниш токлари.

Тўлиқ ток ўзиниқсизлиги

Агар ташки манба таъсирида ўтказувчи мухитда электр майдони ҳосил этилса (металларда, ерда, суюқлишда ва бошқа) у ҳолда ундан ток оқа бошлайди. Металларда заряд олий юривчилар электронлардир, суюқликларда эса- ионлар.

